



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 25 (6. 514)

1988 йил 1 февраль, душанба

Баҳоси 3 тини

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

30 январь куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг IX пленуми бўлди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг қайта қуришга раҳбарлик юзасидан ҳисоботини тинглади.

Шу масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов доклад қилди.

Ҳисоботни муҳокама қилишда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликов, Фарғона область Бағдод районидаги «Пахтакор» колхозининг раиси А. Абдусаматов, Қорақалпоғистон АССР Кегайли район партия комитетининг биринчи секретари С. Ержонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ф. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон ССР Физкультура ва спорт давлат комитетининг раиси М. И. Иброҳимов, Хоразм область ижроия комитетининг раиси Р. Худойберганава, Фарғона шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. М. Алимов, Ўзбекистон Компартияси

Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишев, Наманган область Поп район партия комитетининг биринчи секретари М. Абдуллаев, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони Н. И. Попов, Фарғона областидаги Марғилон «Атлас» абри газламалар ишлаб қиҳариш бирлашмасининг тўқувчиси М. У. Каримова, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. Алимова, Навоий область партия комитетининг иккинчи секретари Ж. М. Жонбеков, Ўзбекистон ССР маориф министри О. С. Аббосова, Ўзбекистон ССР қурилиш министри А. Г. Мананников, Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари У. Султонова, Ўзбекистон

ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огарок, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Қашқадарё областидаги СССР 50 йиллик номи Қарши тикувчи ишлаб қиҳариш бирлашмасининг тикувчи-мотористкаси Р. Н. Иванушкина, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдулов, «Главташкентстрой»га қарашли Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати касаба союз комитетининг раиси И. Х. Орипов, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Головин, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, Сирдарё область Бобут районидаги Пушкин номи совхоз директори С. Абдуқодиров, Ўзбекистон Архитекторлар союзи правленисининг раиси Т. Ф. Қодирова, Ўзбекистон ССР маданият министри У. Р. Умарбеков, Ўзбекистон

ССР Госплани раиси И. Искандаров, Наманган область ижроия комитетининг раиси Б. Ж. Ҳақимов, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг секретари А. Г. Руденко, «Ўзбекфильм» студиясининг актёри У. Алиҳужаев ўртоқлар қатнашдилар.

Пленумда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. А. Ф. Змиевский Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети оғир саноат ва машинасозлик бўлимининг мудир, Р. А. Сафаров республика «Правда Востока» газетасининг редактори этиб тасдиқландилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлимининг сектор мудир А. А. Гришкевич, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари И. К. Комаров, В. Н. Лаврентьев иштирок этдилар.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини якуналади.

ҚАЙТА ҚУРИШГА РАҲБАРЛИК ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИНИНГ ҲИСОБОТИ

Ўртоқлар! Ҳозир совет жамиятида КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сийосининг саботматон билан олиб бораётган фаолияти туфайли янги сиёсий, маънавий вазият вужудга келтирилди, одамларнинг ишлаб чиқариш ва жамоат ишларидаги активлиги ва манфаатдорлиги ошмоқда. Демократиялаш ва туб иқтисодий ислохот ўтказиш йўли, партиямиз билан давлатимизнинг қурулсизланишига ва янги тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган кенг миқёсдаги ташқи сиёсий ишлари қайта қуришнинг мустаҳкам ички ва халқаро кафолатларини яратиб бермоқда. Барча совет кишилари каби, Ўзбекистон меҳнат-

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. НИШОНОВ доклади

кашлари ҳам партиянинг ички ва ташқи сиёсий астойдил маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар, белгиланган ўзгаришларни амалга оширишга азму қарор берганлар. Ҳозирги пайтда бутун партия билан халқ учун қайта қуришдан ҳам муҳимроқ ва зарурроқ вазифа йўқ. Бу революцион ишнинг муваффақияти аввало партия ташкилотларининг, ҳар бир коммунистнинг ғайратига, собиққадамлигига, намуна кучига боглиқ. Бунда гап

партия комитетларининг бошланғич партия ташкилотларининг, барча кадрларнинг сиёсий ва ташкилий сўзашлигига, ташаббуссизлигига барҳам бериш, турғунлик ва консерваторликдан, ишлаш ва раҳбарлик қилишдаги эскирган, қоқоқ усуллардан бутунлай халос бўлиш ва шу асосда ишни қудратли равишда юриштириб юбориш ҳақида бормоқда.

«Барча коммунистларнинг куч-ғайратлари билангина, партиянинг ўз ичидаги демократияни ҳар томонлама

таъини-иқтисодий имкониятларидан фойдаланишда, йирик саноат ва сув ҳўжалиги объектилари қурилишида давлат катта ёрдам бермоқда ва бошқа чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Кадрлар сиёсати масалаларида айниқса катта ғам-хўрлик қилинмоқда. Бизга партия, совет ва давлат аппаратининг барча бўғинлари билан бўлган ҳодимлар билан мустаҳкамлаш, кадрларнинг амалий резервини тайёрлаш, бунинг учун мамлакатнинг барча регионлари ёрдамидан фойдаланиш имконияти бери қўйилди.

Ўғирликлар, қўшиб ёзишлар, порахўрликлар тақрирланган турли, Ҳозир коммунистлар меҳнатчилар бизга жамиятдаги маънавий муҳитни соғломлаштириш учун, одамларнинг ташқи ва ички ёндоқларига бепарварона, расий бюрократик ёндашиш фактларини тугатиш учун курашдаги жанговарлик етишмаётганлиги хусусида ҳақи равишда қўпдан-қўп саволлар беришмоқда.

ган газандалар қабилидаги бошқа учига чиққан жиноятчилар бундан фойдаланган эдилар. Яқинда газеталар бу ҳақда бизга аччиқ, аммо одилона маълумат қилиб ёзишди. Партия билан давлатни алдашда айбдор бўлган кўп кишилар муносиб равишда партиявий ва жиний жазо олдилар. Бироқ Марказий Комитет Бюроси ҳам, республика Министрлар Совети ҳам ҳақиқатда мана шу иқтисодий қўпурчилик учун республика органлари ва айрим мансабдор шахсларнинг масъулиятини принципал тарада кўриб чиқмадилар.

I. РЕСПУБЛИКАДА МАЪНАВИЙ-СИЁСЫ ВАЗИЯТНИ СОҒЛОМЛАШТИРАЙЛИК

Бугун биз Марказий Комитет Бюросининг 1985 йил апрелдан кейинги фаолиятини гоят рўй-рост, партиявий талабчанлик билан баҳолашимиз, партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь ва июнь Пленумларининг йўл-йўриқлари қандай амалга оширилётганини сиёсийлик таҳлил етишимиз керак. Съезд ва Пленумлар минбаридан янграган аччиқ ҳақиқат сабоқлари республикадаги вазият тўғрисида ва, асосан, шу пайтга қадар бартафариқ этилмаган турғунлик тенденциялари ҳақида, салбий ҳодисаларнинг оқибадларини тугатишда йўл қўйилган ва ҳозирча Ўзбекистоннинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, унинг умумийтфифоқ меҳнат тақсимотида қўпданган ҳиссасини қўпайтиришга ҳалақит бериб турган турғунлик тенденциялари тўғрисида принципиал гаплашиб олишни талаб қилади.

ҳисоботларнинг муҳокамаси пайтда коммунистлар сустанлик ва фаолиятсизлик учун айрим кишилардан шахсан жавоб талаб қилди. 627 та партия комитети ва партия бюроси қонирқаси баҳо олди. 184 та ташкилий йиғилишдаги ҳисоботларда мақсадга эришилмаганлиги учун коммунистлар бу йиғилишларни бекор қилиб, ҳисоботни қайтадан ўтказишни талаб қилдилар. Ҳисоботлар давомидида шаҳар ва район партия комитетлари бюросларининг 73 аъзосига ишонсизлик билдирилди ва уларнинг ўрнига бошқа кишилар сайланди, партия комитетлари ва бюросларининг 6 мингдан кўпроқ аъзоси, шу жумладан бошланғич ҳақда цех партия ташкилотларининг салкам 1100 секретари сайланмай қолди.

Бўлиб ўтган ҳисоботлар кўп нарсани равшанлаштирди. Биз коммунистларнинг активлиги ошганлигини, улар камчиликларга ортиқ тоқат қилишни истамаслигини, иш суратини кескин кўтаришга интилаётганлигини ҳис қилдик. Бу ҳол, аввало, бошланғич партия ташкилотларида намоён бўлганлиги айниқса муҳимдир, чунки қўйи партия бўғини — қурашнинг олдинги маррасидир. Аммо бу бўғинда ҳам ҳақиқат муносиб жанговарлик қўрсатилмапти, район, шаҳар ва область партия комитетлари сиймосидаги бош штабларнинг аниқ партиявий раҳбарлиги етишмапти.

Область партия комитетларининг бўлиб ўтган пленумларида жуда кўп киши сўзга чиқди, танқид ҳам янгради, дейиш мумкин. Бироқ ҳамма жойда ҳам, жумладан, Андижон (ўртоқ М. М. Орипов), Навоий (ўртоқ А. С. Ефимов) область партия комитетлари

нинг пленумларида иқтисодий ва социал ривожланиш кўрсаткичлари кескин пасайиб кетганлигининг сабаблари очиб ташланмади. Ҳолбуки жиддий равишда гаплашиб олиниши лозим бўлган масалалар кўп эди. Утган йили Андижон областида маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олганда, саноат маҳсулотни реализация қилиш руҳида фарбод этилди, пахта ҳосилдорлиги 6 центнер пасайди, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг қарийб ҳамма турларини етиштириш топириқлари бажарилмади. Навоий областида ҳар уч корхонанинг бири шартномавий мажбуриятлари ундай олмади, давлат капитал маблағини ўзлаштириш ва асосий фондларни, мактабларни, мактабгача тарбия муассасаларини, касалхоналарни ишга тушириш топириқлари бажарилмай қолди. Ҳўжаликлар пахта, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни етиштириш планларини ундай олмадилар.

Баъзи пленумларда бюро аъзоларининг нутқлари қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисобот тусида бўлди. Масалан, Тошкент область партия комитетининг секретари С. Д. Сайдалиевнинг, Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари М. К. Оролбеовнинг, Сурхондарё область партия комитетининг секретари П. Шаметовнинг, Бухоро область партия комитетининг секретари С. Н. Ваҳраоновнинг нутқлари қурув ва таъсирсиз бўлди. Улар ҳатто ўз ишларини ўз-ўзини танқид асосида таҳлил этишга интилиш ҳам қўрмадилар, баъзан эса уларнинг камчиликларини кўрсатган кишилар билан тортишувга киришиб кетдилар, ўз қилмишларини оқлаш ва ўз ишларини мактаб кўрсатиш билан шугулланишдан нарига ўтмадилар. Қарши шаҳар

партия комитетининг биринчи секретари В. А. Лозицкий ўз нутқида обком бюросини «танқид» қилиб, у обкомнинг биринчи секретари кўп ишларига йўл қўйиб бермоқда, унинг соғлигини эҳтиёт қилмапти, деб айтди. Ҳўш, партия раҳбарлари олдий коммунистларга ўзаро талабчанлик, қаттиққўлликнинг қандай намунасини кўрсатаптилар? — деган савол туғилди.

Уртоқлар, энди қайта қуриш руҳида, фаолиятимизни тубдан яхшилаш гоят зарурлигини назарда тутиб, бир қанча жуда муҳим масалалар ҳусусида Марказий Комитет Бюросининг нуқтаи назарини рўй-рост айтиб бериш яқозат этгайсизлар.

Ганни энг муҳим масалалардан бошлайлик. Партия ва давлат иқтисомини мустаҳкамлаш, иқтисодий ва социал қурилишининг барча соҳаларидаги кадрларнинг масъулиятини ошириш вазифалари биз учун жуда актуал бўлиб келди ва ҳозир ҳам актуалдир. Республикадаги ишлар учун Ўзбекистон коммунистлари ва меҳнатчиларининггина эмас, бутун партияни, бутун совет халқини ҳам узоқ вақтдан бери ташвишлантириб келатган муаммоларни шу воситалар ёрдамидагина, партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг ташаббусига ҳамда мададига таянишга ҳал этиш мумкин.

Кейинги вақтларда КПСС Марказий Комитети республикадаги бўйича бир неча муҳим ҳўжатлар, шу жумладан Тошкент область партия ташкилотларида партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш хусусида қарор қабул қилди. Пахтачиликдаги ва қишлоқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларидаги жиддий камчиликларни тугатиш юзасидан бир қанча қарорлар қабул

қўйилди. Қартошка, сабзавот, гўшт, сут, туҳум харид қилиш бирмунча ортиди. Социал соҳани ривожлантиришга икки йил ичида салкам 4,5 миллиард сўм ёки беш йиллик планда кўзда тутилган 180 миллион сўм кўп капитал маблағ сарфланди. 1986—1987 йилларда мактаблар, мактабгача тарбия боғчалари муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар топириқда белгиланганидан кўпроқ қурилди.

Аммо бу республикада туб бурилишларни таъминламапти. Унинг олға силжишида етарли ҳўшқинлик йўқ, иборали қилиб айтганда, ишлар кизиб бораётган бўлса-да, аммо қиймага етишига ҳали анча бор.

Шу боисдан ҳам ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнатчи мана шу ғам-хўрлик ва ёрдамни англаб олиш учун, республикани мушкул аҳволдан имкони борича тезроқ қайтариб олиш йўлида ҳар қандай имкониятдан ишга қаратайлик. Ҳўш, партия раҳбарлари олдий коммунистларга ўзаро талабчанлик, қаттиққўлликнинг қандай намунасини кўрсатаптилар? — деган савол туғилди.

Марказий Комитет Бюросининг кейинги икки йил мобайнидаги ишнинг таҳлил этганда, бу — қийин ва мураккаб давр бўлганлигини қайд этмоқ керак. Партия ва мамлакатда қайта қуриш учун авж олиб кетган кураш республика шароитида бениҳоя кескин тус олди ва олиб бермоқда. Ўғирлик, қўшиб ёзиш, порахўрликни тугатиш юзасидан кенг миқёсда қаттиқ чоралар қўриш талаб этилди. Кадрлар корпусимизни порахўрлик, қўшқондан чиқиб ва ошпа-оғайнигарчилик иллатларидан тазолаш муаммоси шу пайтгача ҳам ўткир бўлиб турибди.

Бу соҳада муайян иш қилинди. КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номенклатурасидаги ходимларнинг қўшқонлиги алмаштирилди. Ўзларига топирилган участкалардаги ишларнинг аҳоли учун кадрлардан қаттиқ партиявий жавобгарлик талаб қилинмоқда. Бюро ва секретариат ишида коллегаллик мустаҳкамланмоқда, уларнинг назорат қилувчилик ва вазифалари қўшқонлиқда, бошланғич партия ташкилотларининг иш услуби ҳамда методларига кўпроқ эътибор берилди бошлайди.

Госпланининг собиқ раиси Қ. Аҳмедов республикадаги қўпдан қўшиб ёзишлар, сунестеъмоллар, давлатни алдаш ва ҳақиқатда республика экономикасини қўпурчилик фактларини билмаслиги муносибатини эмас эди. Аммо у бемаънигарчиликларни кўриб қўрмадиликка олди, уларга тоқат қилди, ўзининг келтирувчилик позициясини бирон марта қораламади.

Бу нарсга ўз самараларини берди, экономикадаги ва социал соҳадаги ишларнинг аҳолига таъсир қилди. Икки йил мобайнида саноат ишлаб қиҳаришнинг ҳажми 8,3 процент ошди. Тола ва пахтадан олинган бошқа маҳсулотлар ишлаб қиҳариш

қўпайди. Қартошка, сабзавот, гўшт, сут, туҳум харид қилиш бирмунча ортиди. Социал соҳани ривожлантиришга икки йил ичида салкам 4,5 миллиард сўм ёки беш йиллик планда кўзда тутилган 180 миллион сўм кўп капитал маблағ сарфланди. 1986—1987 йилларда мактаблар, мактабгача тарбия боғчалари муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар топириқда белгиланганидан кўпроқ қурилди.

Пленум қатнашчилари Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Тошкент областларида ва Қорақалпоғистон АССРда қўшиб ёзиш, қўзғолмачилик нақадар дахшатли тус олганини, ҳўжойлардаги қўпгина собиқ партия ва совет ходимлари, ҳўжалик раҳбарлари партиявий ва жиний жихатдан

(Давоми 2, 3, 4-бетларда).

(Давомӣ. Бошӣ биринчи бетда).

ни (бетда).

(Охири тўртинчи бетда).

ганди — 32-54-19; совет кукур
ва алоқа — 33-08-74, 32-5757-84
капитал қурилиши — 32-5858-84
от, ҳарбий-ватанпарварлик « та
8-95; хатлар ва оммавий ишшла
данцияси — 33-99-42, 32-5353-64
эълонлар — 33-81-42.